

**2023 йил учун Инвестиция дастури доирасида**  
**Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимидаги**  
**олий таълим муассасалари объектлари тўғрисида**  
**МАЪЛУМОТ**  
(ПҚ-465-сон қарори)

**2023 йил Дастур доирасида 26 та** ОТМ бино ва иншоотлари ҳамда **6 та** касб-ҳунар мактабида қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳамда жоҳозлаш ишлари учун **32 та объектга 714,2 млрд.сўм**, кредитор қарздорликларни қоплашга **40,6 млрд.сўм** ва лойиҳа-қидирув ишларига **15,2 млрд.сўм ЖАМИ 770,0 млрд.сўм** маблағ ажратилган.

*Шундан,*

**2022 йилдан 2023 йилга ўтувчи 12 та** олий таълим муассасасининг **15 та** объектига **262,8 млрд.сўм**;

**2023 йилда янгидан бошланувчи 10 та** олий таълим муассасаси ҳамда **6 та** касб-ҳунар мактабининг **17 та** объектига **451,4 млрд.сўм** маблағ ажратилган.

Жумладан: **32 та объект бўйича жами - 714,2 млрд.сўм.**

**16 та Янги қурилиш учун - 519,6 млрд.сўм**

- 12 та ўқув биноси - 17 000 ўринли
- 2 та ТТЖ - 1 300 ўринли
- 2 та объект

**12 та Реконструкция ишлари учун - 153,7 млрд.сўм**

- 2 та ўқув биноси - 1 740 ўринли
- 10 та объект

**4 та Капитал таъмирлаш ишлари учун - 40,9 млрд.сўм**

- 2 та ўқув биноси - 2 310 ўринли
- 1 та ТТЖ - 350 ўринли
- 1 та объект

Жорий йилда 10 830 ўринлига эга 10 та ўқув биноси, 1 600 ўринга эга 3 та талабалар турар жойи биноси ва 10 бошқа объектлар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Қолган 9 та объект 2024 йилга ўтувчи ҳисобланади.

*Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Президентининг 2022 йил 22 сентябрдаги ПҚ-378-сон қарорига асосан 2023 йил 1 январдан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси тугатилиб, ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари буюртмачи этиб белгиланган.*